

VI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

1- БЎЛИМ. ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ВА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ Сони


2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, транспорт соҳасида 15 778 корхона ва ташкилотлар (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатмоқда. 2024 йилга нисбатан уларнинг сони 2 157 бирликка камайиш қайд этилди.

Транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (1 январь ҳолатига, фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари, бирликда)

Таҳлил қилинаётган даврда “Ташиш ва сақлаш” фаолияти билан шуғулланувчи жами корхона ва ташкилотлар таркибида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши доимий равишда 98,5 % даражасида сақланиб қолмоқда.



Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари, бирликда)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида “Ташиш ва сақлаш” фаолияти билан шуғулланувчи янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 2 753 бирликка етди. Янги ташкил этилган транспорт корхоналари ва ташкилотларининг умумий корхоналар сонидаги улуши 3,5 % ни ташкил этди.

2- БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТРАНСПОРТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ¹⁾


Транспорт статистикаси бу – транспортда содир бўладиган ҳодисалар ва жараёнларни ўрганадиган статистика соҳасидир. Транспорт статистикаси кўрсаткичлари транспортнинг алоҳида турлари бўйича маълумотларни: темир йўл, автомобиль, шаҳар электр, қувур йўли ва ҳаво маълумотларини ўз ичига олади.

Юк ташиш (юк ташиш ҳажми) – транспорт орқали ташилган юкларнинг тонналардаги миқдори (пуллик багаж ва почтани қўшган ҳолда). Кўрсаткич транспорт турлари, қатнов, юк турлари бўйича ҳисобга олинади. Юкларни ташиш жараёнининг дастлабки дақиқаси “жўнатилган юклар (жўнатиш)” кўрсаткичи билан акс эттирилади, якуний нукта – “келиб тушган юклар (келиб тушиши)” кўрсаткичи ҳисобланади.

2020 йилдан тортиб то 2024 йилнинг январь-декабрига қадар юк ташиш кўрсаткичларининг ўсиши қайд этилди.


Кузатувдан ўтган барча транспорт турлари орасида автомобиль транспорти (1 385,5 млн тонна) юк ташиш бўйича устунлик қилади. Темир йўл орқали 73,9 млн тонна юк жўнатилган. Қувур йўли орқали эса 61,8 млн тонна газ ташилган. Юк ташиш бўйича нисбатан паст кўрсаткич ҳаво транспортида қайд этилди – 14,4 минг тонна.

Барча транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмасининг ҳажми ва ўсиш суръатлари (январь-декабрь, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатлари)



¹⁾ Графикда ва кейинги ўринларда 2020-2023 йиллар учун аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби (январь-декабрь, % да)




2024 йил январь-декабрь ойларида, юк ташишнинг умумий ҳажмининг салмоқли қисмини автомобиль транспорти – 91,1 % ни, бошқа транспорт турларининг улуши эса – 8,9 % ни ташкил этди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра, юк айланмасининг умумий ҳажмида қувур транспортининг улуши 36,2 %, темир йўл транспорти 34,5 %, автомобиль транспорти 28,9 %, ҳаво транспорти эса 0,4 % дан иборат бўлди.

Транспорт турлари бўйича юк айланмаси таркиби (январь-декабрь, % да)

2023 йилга нисбатан 2024 йил январь-декабрь ойларида юк айланмасининг умумий ҳажмида айрим транспорт турлари улуши ўзгарди, хусусан: қувур йўли транспорти – 0,1 % га, темир йўл транспорти эса 0,6 % га камайди, шу билан бирга, автомобиль транспорти улуши 0,6 %, ҳаво транспорти 0,1 % га ўсиши қайд этилди.




Ташилган йўловчилар – маълум вақт давомида автомобиль воситаларида турли қатнов турлари бўйича ташилган йўловчилар сони (статистик кузатув бирлиги бўлиб йўловчи-қатнови ҳисобланади).

Йўловчи айланмаси – транспортнинг йўловчи ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги йўловчи-километр ҳисобланади. Ҳар бир ташиш бўйича йўловчилар сонини ташиш масофасига кўпайтмасини йиғиндиси орқали аниқланади. Қатнов турлари ва бошқа белгилар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Барча транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмасининг ҳажми, ўсиши (камаيши)
(январь-декабрь)




Бир нафар йўловчини ўртача ташиш масофаси (км)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида барча транспорт турларида бир нафар йўловчи ташишнинг ўртача масофаси 23,7 км ни ташкил этди, 2023 йилда ҳам ушбу кўрсаткич 23,7 км даражасида қолди. 2022 йилда эса 23,5 км, 2021 йилда 22,7 км, 2020 йилда бўлса 22,3 км.ни ташкил этган.


Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркиби (январь-декабрь, % да)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибида автомобиль транспортининг улуши 95,8 % ни ташкил этди. Бу эса 2023 йилга нисбатан 1,4 пунктга, 2022 йилга нисбатан эса 1,8 пунктга камдир.

Барча транспорт турларида йўловчи ташишда, шаҳар электр транспортининг улуши 3,9 % ни ташкил этди.

Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи
айланмасининг ўсиши (камайиши), (январь-декабрь, % да)




2020 йил давомида асосий транспорт турлари бўйича йўловчи айланмасининг ўсиш суръатига коронавирус пандемияси билан боғлиқ чекловлар таъсир кўрсатди. 2020 йилда йўловчи ташиш ҳажмларининг қисқариши, айрим ҳолларда эса уларни бутунлай тўхтатилиши барча транспорт турлари бўйича ўсиш суръатларининг пасайишида намоён бўлди. 2021-2023 йиллар ва 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи айланмасининг юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, автомобиль транспортида йўловчи айланмасининг ўсиш суръати – 103,7 %, темир йўл транспорти – 104,5 %, ҳаво транспортида – 1,2 мартага ва шаҳар электр транспортида – 1,6 мартага юқори ўсиши қайд этилди.

Автомобиль транспорти – юридик ва жисмоний шахслар иштирокидаги саноат ва технологик мажмуа бўлиб, у йўловчилар, багаж ва юкларни, шу жумладан почта алоқасини (кейинги ўринларда йўловчилар, багаж ва юкларни) автотранспорт билан таъминлашда иқтисодиёт ва аҳолининг эҳтиёжларини қондиради.

Автомобиль транспорти йўловчи ва юкларни ташишда ҳам муҳим роль ўйнайди. 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунларига кўра автомобиль транспортида юк айланмаси ҳажми 1 178,3 млн т-км га ошиб, 23 005,6 млн т-км ни ташкил этди ёки 2023 йилга нисбатан 5,4 % га ўсиш қайд этилди.

Автомобиль транспортида юк ташиш ва юк айланмасининг ҳажми, ўсиши (камаيши) (январь-декабрь)



2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, автомобиль транспортида 1 385,5 млн тонна юк ташилган бўлиб, 2023 йилга нисбатан юк ташиш ҳажми 4,8 % га ошган. 2023 йилда юк ташиш ҳажми 3,0 % га, 2022, 2021 ва 2020 йилларда ўсиш суръатлари 100,2 %, 103,5 % ва 105,1 % ни ташкил этди.

Автомобиль транспорти юк айланмасида 2021 йилда – 117,4 % га юқори ўсиш суръати қайд этилган бўлиб, нисбатан паст ўсиш суръатлари 2020 йилда кузатилди – 102,2 %.

**Автомобиль транспортада йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси
ҳажми, ўсиши (камайиши)
(январь-декабрь)**

Йўловчи ташиш



Йўловчи айланмаси




2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра автомобиль транспортада жами 6 582,6 млн йўловчи ташилиб, 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 104,6 % ни ташкил этди. 2023 йилда ташилган йўловчилар сони 6 292,7 млн йўловчини ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан ўсиш суръати 103,3 % дан иборат бўлган. 2022 йилда 103,0 % ни, 2021 йилда 112,7 % ни ташкил этди. 2020 йил эса ушбу кўрсаткич бўйича 11,3 % га камайиш қайд этилди. 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, автомобиль транспортининг йўловчи айланмаси ҳажми 139 531,5 млн йўловчи-км (2023 йилга нисбатан 103,7 %), 2023 йилда эса 134 504,7 млн йўловчи-км (102,7 %), 2022 йилда 131 012,4 млн йўловчи-км (102,5 %), 2021 йилда 127 871,6 млн йўловчи-км (113,0 %), 2020 йилда 113 198,2 млн йўловчи-км (8,8 % га камайиш) қайд этилди.

**Автомобиль транспортада юк ва йўловчи айланмасининг
ўсиши (камайиши), (январь-декабрь, % да)**


Юк айланмаси




Йўловчи айланмаси



Автомобиль транспортида юк ва йўловчи
ташишнинг ўсиши (камайиши), (январь-декабрь, % да)



Худудлар кесимида автомобиль транспортида
йўловчи ташишнинг ҳажми ва ўсиши
(2024 йил, январь-декабрь)



Худудий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республика бўйича автомобиль транспортида йўловчи ташишнинг умумий ҳажмида Тошкент шаҳри, Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятларининг улуши салмоқли ўринни эгаллайди (умумий ҳажмдаги улуши 55,6 %).

Қорақалпоғистон Республикаси шунингдек, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилди.

Темир йўл транспорти (темир йўл) – умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири ҳисобланиб, унинг таркибига кирувчи корхоналар, муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлар учун ташкилотлар билан ягона ишлаб чиқариш-технологик комплекс бўлиб, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро муносабатларда ташишга бўлган эҳтиёжни таъминлайди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, темир йўл транспортида 73,9 млн тонна юк жўнатилиб, 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 100,3 % ни ташкил этди.

2023 йилда темир йўл транспорти орқали ташилган юklar ҳажми 73,7 млн тоннани ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 100,4 % ўсиш суръати қайд этилди. 2022 йилда 73,4 млн тонна (ўсиш суръати 101,9 %), 2021 йилда 72,0 млн тонна (ўсиш суръати 101,9 %), 2020 йилда 70,6 млн тонна (ўсиш суръати 100,7 %) юк жўнатирилган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида мазкур транспорт турида юк айланмаси ҳажми 27 451,6 млн т-км дан иборат бўлиб, 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 101,4 % ни ташкил этди. 2023 йилда юк айланмаси ҳажми 27 080,7 млн т-км (ўсиш суръати 108,4 %), 2022 йилда 24 989,3 млн т-км (101,5 %), 2021 йилда 24 618,8 млн т-км (104,2 %) ва 2020 йилда 23 632,2 млн т-км (100,8 %) ни ташкил этган.

Агар 2023 йил билан таққослайдиган бўлсак, 2024 йил январь-декабрь ойлари якунига кўра, темир йўл транспортида юк айланмаси ҳажми 0,4 млн т-км га ошиб, 27 451,6 млн т-км ни ташкил этди. Шу билан бирга, йўловчи айланмаси 174,2 млн йўловчи-км га ошиб, унинг ҳажми 4 077,9 млн йўловчи-км ни ташкил этди.

Темир йўл транспортида жўнатирилган юklar ва юк айланмасининг ҳажми ва ўсиш суръатлари (январь-декабрь, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатлари)

Юк ташиш




Юк айланмаси



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ўртача суткалик ҳисобда темир йўл транспортида жўнатиш юк 202,0 минг тоннани ташкил этди. Ўртача бир тонна юк жўнатиш масофаси 371,4 км ни ташкил этди ёки 2023 йилга нисбатан 1,0 % га ўсиш қайд этилди.

Темир йўл транспортининг юк ва йўловчи жўнатиш ҳажми кўрсаткичлари, (январь-декабрь)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида темир йўл транспортида жами 9,8 млн йўловчи жўнатиш бўлиб, 2023 йилга нисбатан 1,8 % ўсиши қайд этилди. 2020 йилда пандемия сабабли йўловчилар сонининг кескин пасайиши қайд этилган (73,1 % га).

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида темир йўл транспорти йўловчи айланмаси ҳажми 4 077,9 млн йўловчи-км (2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 104,5 %), 2023 йилда – 3 903,7 млн йўловчи-км (ўсиш суръати 110,0 %), 2022 йилда 3 549,4 млн йўловчи-км (113,4 %), 2021 йилда 3 130,2 млн йўловчи-км (174,4 %), 2020 йилда – 1 794,9 млн йўловчи-км (59,1 % га камайиш)ни ташкил этган.

Темир йўл транспортида жўнатишган йўловчилар ва йўловчи айланмаси ҳажми, ўсиши (камайиши) (январь-декабрь, % да)



Магистрал темир йўл транспортига ортилган
асосий турдаги юклар кўрсаткичи
(2024 йил, январь-декабрь)

	Ҳажми, минг тонна	Жами ҳажмга нисбатан улуши, % да	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, % да
Юклар – жами	73 920,0	100,0	100,3
<i>шундан:</i>			
кўмир	7 079,5	9,6	112,6
нефть юклари	6 503,5	8,8	95,7
турли рудалар	9 812,5	13,3	100,0
қора металл	961,1	1,3	75,4
қора металл парчалари	620,3	0,8	74,5
кимёвий ва минерал ўғитлар	3 993,2	5,4	107,0
қурилиш юклари	4 321,1	5,8	90,7
цемент	1 761,5	2,4	88,2
ёғоч юклари	39,6	0,1	109,1
дон ва ёрмалар	1 203,1	1,6	84,3
картошка, сабзавот ва мевалар	107,2	0,1	67,3
пахта толаси	4,3	0,0	42,0
бошқа юклар	37 513,1	50,8	102,6

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий фойдаланишдаги темир йўл транспортида жўнатилган юк турлари бўйича 2023 йилга нисбатан айрим турларида юқори ўсиш суръатлари қайд этилди. Булар, кўмир (112,6 %), ёғоч юклари (109,1 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (107,0 %) ва бошқа юклар (102,6 %) ҳисобланади.

Темир йўл орқали жўнатилган юкларнинг умумий ҳажмига салмоқли улушни турли рудалар (13,3 %), кўмир (9,6 %), нефть юклари (8,8 %), қурилиш юклари (5,8 %), кимёвий ва минерал ўғитлар (5,4 %) ва бошқа юклар (50,8 %)ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти бу – ҳаво кемалари (самолётлар) ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган инфратузилмани ўз ичига олган транспорт тури: аэропортлар, диспетчерлик ва техник хизматлар.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳаво транспортида юк ташиш ҳажми 14,4 минг тоннани ташкил этиб, бу эса 2023 йилнинг юк ташиш ҳажми даражасига нисбатан 54,8 % га ўсишни қайд этди. 2024 йил январь-декабрь ойлари якунига кўра, юк айланмаси ҳажми 18,9 % га ошиб, 269,1 млн т-км ни ташкил этди.

2020-2023 йиллар ва 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, ҳаво транспортида жўнатишган юклар ва юк айланмаси кўрсаткичларининг ўзгариши бир мунча кенг диапазонга эга бўлди. Шундай қилиб, 2024 йил январь-декабрь ойларида ҳаво транспортида жўнатишган юк ҳажми 14,4 минг тоннани ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан 54,8 фоизга ошди, 2023 йилда — 9,3 минг тонна (8,8 % га камайиш), 2022 йилда — 10,2 минг тонна (ўсиш суръати 112,1 %), 2021 йилда 9,1 минг тонна (ўсиш суръати 173,3 %) қайд этилди. 2020 йилда эса 5,3 минг тонна (49,4 % га камайиш)ни ташкил этган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида мазкур транспорт турида юк айланмаси ҳажми 269,1 млн т –км дан иборат бўлиб, 2023 йилга нисбатан 18,9 % га ошди. 2023 йилда юк айланмаси ҳажми 226,3 млн т–км (29,9 % га камайиш), 2022 йилда 322,8 млн т–км (ўсиш суръати 106,3 %), 2021 йилда 303,5 млн т–км (ўсиш суръати 138,6 %) ва 2020 йилда 219,0 млн т–км (1,8 марта ўсиш) қайд этилди.

Ҳаво транспортида жўнатишган юклар ва юк айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайиши) (январь-декабрь)



Ҳаво транспортида жўнатилган йўловчилар ва йўловчи айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайтиши) (январь-декабрь)

Жўнатилган йўловчилар



Йўловчи айланмаси



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳаво транспорти орқали жами 6,0 млн йўловчи жўнатилган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 14,9 % га ўсиш қайд этилди. 2023 йилда умумий жўнатилган йўловчилар сони 5,3 млн йўловчини ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан 1,3 марта ўсиш қайд этилди. 2022 йилда 4,1 млн йўловчи (1,4 марта ўсиш), 2021 йилда – 3,0 млн йўловчи (3,4 марта ўсиш), аксинча 2020 йилда эса – 0,9 млн йўловчи (73,2 % га камайтиш) қайд этилди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра ҳаво транспортида йўловчи айланмаси ҳажми 17 021,9 млн йўловчи-км (2023 йилга нисбатан 123,4 %), 2023 йилда 13 792,4 млн йўловчи-км (1,3 марта ўсиш), 2022 йилда 10 905,4 млн йўловчи-км (2,1 марта ўсиш), 2021 йилда 5 258,8 млн йўловчи-км (1,7 марта ўсиш)ни ташкил этди. 2020 йилда эса ушбу кўрсаткич 3 013,8 млн йўловчи-км (72,6 % га камайтиш) қайд этилди.

Ҳаво транспортида жўнатилган юк ва йўловчиларнинг ўсиши (камайтиши), (январь-декабрь, % да)

Жўнатилган юк



Жўнатилган йўловчи



Ҳаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2023 йилда 96,3 % ўрнига 92,5 % ни ташкил этди. Шунга кўра, кечиккан авиапарвозлар улуши 7,5 фоизни ташкил этди. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 3,5 ф.п. га камайиб, 92,9 % ни ташкил этди (2023 йилда 96,4 %).

Халқаро йўловчилар сонининг ортиши Париж, Истанбул, Сеул ва Саудия Арабистонига парвозлардан ташқари, Жакарта ва Урумчига йўловчи ташиш қайта тиклангани билан изоҳланади.

Магистрал қувурлар – газни қазиб олиш ёки ишлаб чиқариш жойидан газ тақсимлаш станцияларигача бўлган узоқ масофаларга ўтказиш учун мўлжалланган қувурлардир.

2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, қувур йўли транспорти орқали 61,8 млн тонна газ қуйилган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 1,7 млн т ёки 2,9 % га ўсган. Қуйилган газ ҳажми 2020 йилда 19,5 % га, 2022 йилда 4,1 % га, 2023 йилда 5,4 % га пасайиши кузатилган. 2021 йилда эса 14,3 % га сезиларли ўсиш қайд этилди.

Россия ва Туркменистондан табиий газ ташиш ҳажмининг ортиши 2024 йил январь-декабрь ойларида ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатди.

Қувур йўли транспортида юк ташиш ва юк айланмасининг ҳажми, ўсиши (камайиши) (январь-декабрь)



Шаҳар электр транспорти – энергия манбаи сифатида электр-энергиясидан фойдаланадиган транспорт тури ва тортиш электр моторидан фойдаланилади. Шаҳар электр транспортида статистика кузатуви объекти бўлиб йўловчиларни ташиш, ҳаракатланувчи таркиб, ундан фойдаланиш, йўл станциялари, транспорт ишларининг молиявий натижалари ҳисобланади. Статистика кузатуви бирлигини метрополитен, трамвай ва троллейбус корхоналари ташкил этади.


2024 йилнинг январь-декабрида шаҳар электр транспортида 273 833,4 минг йўловчи ташилиб, 2023 йилга нисбатан 1,6 мартага юқори ўсиш қайд этилди. Ушбу транспортнинг йўловчи айланмаси ҳажми 1 998,3 млн йўловчи-км ни ташкил этган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 1,6 мартага юқори ўсиш қайд этилди.

Шаҳар электр транспортида йўловчи ташиш ва йўловчи айланмасининг ҳажми, ўсиши (камаيши) (январь-декабрь)



2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра шаҳар электр транспортида жами 273,8 млн йўловчи ташилган бўлиб, шулардан метрополитенда 270,3 млн йўловчи, трамвайда 2,9 млн йўловчи ва троллейбусда 0,6 млн йўловчи ташилган. 2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 155,5 % ни (метрополитен 1,6 мартага ўсиш, трамвай 15,3 % га камаиш, троллейбус 3,1 % га камаиш) ташкил этди. Шаҳар электр транспорти бўйича йўловчи ташишнинг юқори ўсиши 2023 ва 2022 йилларда 1,3 марта, 2021 йилда 2,6 марта ўсиш, 2020 йилда эса 51,8 % га пасайиш қайд этилган. Мазкур транспорт турида йўловчи айланмасининг юқори ўсиш суръатлари 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида – 1,6 марта, 2023 ва 2022 йилларда – 1,3 марта, 2021 йилда – 2,6 марта ўсиш қайд этилди. 2020 йилда шаҳар электр транспортида йўловчи айланмаси ҳажми 296,3 млн йўловчи-км ни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида шу кўрсаткич 1 998,3 млн йўловчи-км ни ташкил этди. 2024 йил январь-декабрь ойларида электр транспортида йўловчи ташиш (98,7 %) ва йўловчи айланмасидаги (98,6 %) энг юқори улушини метрополитен эгаллади. Шундай қилиб, метрополитенда йўловчи ташиш ҳажми 270 301,5 минг йўловчини ташкил этиб, бу эса 2023 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 1,6 мартага ўсди. Ушбу транспорт турининг йўловчи айланмаси эса 1 970,5 млн йўловчи-км ни ташкил этди ёки 2023 йилга нисбатан 1,6 мартага ўсиши қайд этилди.

Шаҳар электр транспортида йўловчи ташиш таркиби (январь-декабрь, % да)



2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, трамвайда 2 883,3 минг йўловчи ташилди, бу эса 2023 йилга нисбатан 15,3 % га пасайиши қайд этилди. Электр транспорти таркибидаги трамвайнинг йўловчи айланмаси ҳажми 10,1 млн йўловчи-км ни ташкил этиб, йўловчи ташиш бўйича улуши эса 1,1 % ни ташкил этди.

Шу билан бирга, 2024 йилнинг январь-декабрида троллейбусда 648,6 минг йўловчи ташилиб, 2023 йилга нисбатан 3,1 % га пасайиши кузатилди. Троллейбуснинг йўловчи айланмаси 17,7 млн йўловчи-км ни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 3,1 % га пасайиш қайд этилди. Электр транспорти таркибидаги троллейбуснинг йўловчи ташиш улуши 0,2 % ни ташкил этди.

3-БЎЛИМ. ТРАНЗИТ ТАШУВЛАР¹⁾

Транзит ташишлар — йўловчилар, багаж, юк багажи, юк ва почта жўнатмаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳар қандай транспорт тури орқали ҳаракатланиши, агар бундай ҳаракат йўлнинг фақат бир қисмида бўлса, жўнатиш пунктлари ва йўналишлари мамлакатдан ташқарида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ташилган транзит юклар ҳажми ва таркиби (2024 йил, январь-декабрь)

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтган темир йўл юк вагонлари сони 145 386 бирликни, автомобиль транспорти сони эса 131 933 бирликни ташкил этди.



¹⁾Маълумотлар Давлат божхона қўмитасининг электрон маълумотлар базаси асосида тайёрланган

4-БЎЛИМ. ЙЎЛ-ТРАНСПОРТИ ҲОДИСАЛАРИ ¹⁾

Йўл-транспорт ҳодисаси — транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, фуқароларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юklar шикастланишига ёки бошқа тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса.

Ўзбекистон Республикасида йўл-транспорт ҳодисалари сони (январь-декабрь, бирликда)



2024 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий йўл-транспорт ҳодисалари сони 9 364 тани ташкил этди. 2023 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич 475 тага камайган (-0,6 %). Бироқ, энг катта ўсиш 2021 йилда пандемиядан кейинги даврга тўғри келган.

2023 йил билан солиштирганда, 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганлар сони бўйича камайиш қайд этилган. Шундай қилиб, 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида жароҳат олганлар (жабрланганлар) сонининг 308 нафарга (-3,3 %) камайиши қайд этилган бўлиб, бу умумий ҳисобда 8 901 нафарни ташкил этди.

Худудлар кесимида йўл-транспорт ҳодисалари сонини таққосланиши (2024 йил январь-декабрь, бирликда)

Тошкент	1 347	478	Қашқадарё
Тошкент шаҳри	1 280	447	Сурхондарё
Фарғона	1 201	355	Бухоро
Самарқанд	1 049	325	Жиззах
Наманган	941	292	Хоразм
Андижон	699	233	Навоий
Қорақалпоғистон Респ.	538	179	Сирдарё

¹⁾ Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати маълумотлари базаси асосида тайёрланди

Худудий маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, республика бўйича қайд этилган йўл-транспорти ҳодисаларининг энг кўп сони Тошкент шаҳри (1 280 та), шунингдек, Тошкент (1 347 та), Фарғона (1 201 та), Самарқанд (1 049 та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди (республика кўрсаткичининг 52,1 % ини ташкил этди).


2023 йилга нисбатан йўл-транспорти ҳодисаларининг сони сезиларли даражада камайиши Самарқанд (-100 киши), Андижон (-63 киши), Наманган (-61 киши), Жиззах (-61 киши), Фарғона (-48 киши) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (-35 киши) кузатилди.

Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олган (жабрланган)лар сонининг ўсиши Сурхондарё (88 киши), шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида (42 киши) кузатилди.

Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олган (жабрланган)лар сонини ҳудудлар кесимида таққосланиши, киши

	2023 й.	2024 й. Январь-декабрь	Фарқи 2024-2023 йиллар, (+,-)
Ўзбекистон Республикаси	9 209	8 901	- 308
Қорақалпоғистон Респ.	478	520	+ 42
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	683	620	- 63
Бухоро	365	349	- 16
Жиззах	396	335	- 61
Қашқадарё	439	434	- 5
Навоий	248	227	- 21
Наманган	957	896	- 61
Самарқанд	974	874	- 100
Сурхондарё	289	377	+ 88
Сирдарё	180	164	- 16
Тошкент	1 144	1 142	- 2
Фарғона	1 197	1 149	- 48
Хоразм	256	246	- 10
Тошкент ш.	1 603	1 568	- 35

Йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳат олган (жабрланган)лар умумий сонининг таркиби (% да)



2024 йил январь-декабрь ойларида йўл-транспорти ҳодисаларида жароҳатланганлар умумий сонининг 17,3 % ини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этди (1 544 та ҳолат). Бу эса 2023 йилга нисбатан 0,3 пунктга ҳамда 2022 йилдаги кўрсаткичга нисбатан эса 1,6 пунктга юқоридир.

5- БЎЛИМ. АЛОҚА ВА КОММУНИКАЦИЯ СОҲАСИ

Алоқа статистикаси бу – алоқа каби иқтисодий секторнинг оммавий жараёнлари ва ҳодисаларини ўрганадиган статистика фанининг бир тармоғидир.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ахборот ва алоқа соҳасида 9 777 та корхона ва ташкилотлар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатиб, уларнинг сони 2024 йилга нисбатан 774 тага камайди.


Куйидаги диаграмма кўрсаткичларига асосланиб, мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, 7,3 % га камайиши кузатилди.

Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

(1 январь ҳолатига, фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари, бирликда)



Ўзбекистон Республикасида алоқа ва ахборотлаштириш
хизматларининг ҳажми ва ўсиши
(январь-декабрь)¹⁾




2024 йилнинг январь-декабрь ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми (яширин иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда) 56 174,2 млрд сўмни ташкил этди, 2023 йилга нисбатан 25,8 % га ўсиши кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми сўнгги йилларда сезиларли даражада ошди. Демак, 2020 йилда мазкур соҳада хизматлар ҳажми 13 852,3 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йилнинг январь-декабрь ойлари якунига кўра, ушбу кўрсаткич 42 321,9 млрд сўмга ўсиши қайд этилди.

Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмида нисбатан юқори улушни телекоммуникация хизматлари эгаллади – 36,5 %.

Худудлар кесимида телекоммуникация хизматларининг ҳажми
(2024 йил январь-декабрь, млрд сўмда)



¹⁾ 2023 йил ҳажми ва 2024 йил январь-декабрь ойлари маълумотлари, ўтказилган статистик кузатувлари асосида норасмий ва яширин иқтисодиётни баҳолаш орқали шакллантирилган.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида телекоммуникация хизматлари ҳажми 20 509,1 млрд сўмни ташкил этди. 2023 йилга нисбатан ушбу хизматларнинг ўсиш суръати 113,4 % даражасида қайд этилди.

2024 йил январь-декабрь якунига кўра, ҳудудлар кесимида кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳрининг улуши кўрсатилган телекоммуникация хизматларининг умумий ҳажмида салмоқли 42,7 фоизини эгаллади, яъни, 8 734,4 млрд сўмни ташкил этди. Сирдарё вилоятида эса мазкур хизматларнинг умумий ҳажмидаги улуши 1,9 фоизни ёки 386,2 млрд сўмни ташкил этди.

Алоқа хизматлари таркиби (% да)



Тақдим этилган диаграмма маълумотлари шуни кўрсатдики, 2021-2024 йиллар давомида мобил алоқа хизматлари ва бошқа алоқа хизматлари ўртасида нисбатан тенглик қайд этилди.

2024 йил январь-декабрь ойларида мобил алоқа хизматлари (Интернетни қўшган ҳолда) умумий алоқа хизматларининг 48,6 фоизини ташкил этди.

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони 36 251,7 минг бирликни, шу жумладан, аҳолида 30 095,3 минг бирликни ташкил этди. Ҳар 100 киши ҳисобига аҳолининг мобил алоқа билан таъминланганлиги эса 81 бирликни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида мобил алоқа абонентлари сони (1 январь ҳолатига)



2025 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, (Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги маълумотларига асосан) Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар сони 271 бирликни ташкил этди.

2023 йилнинг IV чораги билан таққослаганда, халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказувчанлик қобилияти 2024 йил январь-декабрь ойлари якунига кўра, 600 Гбит/с га ошиб, (4 200 Гбит/с) ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасида ҳудудлар кесимида мобил алоқа абонентлари сони
(1 январь ҳолатига, минг абонент)

	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
Ўзбекистон Республикаси	25 971,3	29 022,4	31 981,9	34 304,8	36 251,7
Қорақалпоғистон Республикаси	1 377,7	1 427,4	1 499,2	1 599,2	1 734,0
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	2 166,9	2 498,4	2 696,3	2 858,6	2 944,3
Бухоро	1 404,8	1 488,8	1 547,6	1 626,9	1 738,0
Жиззах	917,1	958,5	1 027,1	1 112,9	1 228,1
Қашқадарё	1 996,8	2 068,2	2 207,2	2 403,5	2 632,0
Навоий	915,4	944,3	1 027,5	1 087,8	1 168,1
Наманган	1 941,2	2 212,3	2 386,3	2 536,2	2 675,4
Самарқанд	2 449,7	2 774,2	2 993,5	3 204,0	3 398,2
Сурхондарё	1 515,6	1 608,4	1 762,2	1 903,0	2 039,1
Сирдарё	614,6	705,1	729,7	809,1	861,6
Тошкент	1 405,1	1 672,0	2 021,5	1 997,5	2 300,8
Фарғона	2 858,9	3 026,2	3 230,7	3 459,9	3 565,1
Хоразм	1 281,5	1 315,2	1 402,9	1 575,2	1 671,6
Тошкент ш. ¹⁾	5 126,0	6 323,4	7 450,1	8 131,0	8 295,5

¹⁾Тошкент вилоятининг "UNITEL" ва "RUBICON WIRELESS COMMUNICATION" ҳажмларини қўшган ҳолда

Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти – аҳолини ва иқтисодиётни барча тармоқларининг йўловчилар, багажлар ва юклар, шу жумладан, почталарни автомобилларда ташишга бўлган эҳтиёжларини тижорат асосида таъминловчи транспорт.

Автотранспорт воситалари – йўловчилар, багажлар, юклар ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи-автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар.

Мавжуд автотранспорт воситалари – ташкилот балансида бўлган, техник ҳолатидан ва автомобилнинг жойлашган жойидан (таъмирлашда, хизмат сафарида, консервацияда, ижарада) қатъи назар, барча турдаги, маркадаги ва моделдаги автомобиллар сони.

Йўловчи автомобили – ўзининг тузилиши ва жиҳозланиши жиҳатидан йўловчилар ва багажларни ташишга мўлжалланган, зарур қулайлик ва хавфсизлик билан таъминланган автомобиль.

Юк автомобили – юкларни ташишга мўлжалланган, қаттиқ рамали механик йўл транспорти воситаси; юк автотранспорти воситалари фойдаланиш характери ва конструктив хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда умумий ва ихтисослаштирилган воситаларга бўлинади.

Автобус, микроавтобус – йўловчиларни ташишга мўлжалланган ва ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда саккизтадан ортиқ ўтириш ўриндигига эга бўлган, қаттиқ рамали механик йўл транспорти воситаси.

Енгил автомобиль – ҳайдовчи ўрнини ҳисобга олмаганда, сиғими саккиз кишигача бўлган йўловчи автомобили. Енгил автомобиллар сонига почта ташишга мўлжалланган, санитария ва бошқа махсус енгил автомобиллар қўшилмайди.

Йўналишли такси – йўловчилар талабига кўра тўхтаган ҳолда мунтазам йўналишларда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси (автобус ёки енгил автомобиль).

Йўналишсиз такси – йўловчиларнинг буюртманомаларига кўра ҳисоблагич (таксометр) кўрсаткичи бўйича ҳақ тўлаш ҳисобига йўловчиларни ва уларнинг багажини ташишда хизматлар кўрсатадиган автотранспорт воситаси.

Пикап ва енгил фургон – кузови енгил автомобиль шассисига мослаштирилган, юк кўтариш қобилияти юқори бўлмаган юк ва юк-йўловчи автомобиллари.

Юк айланмаси – транспортнинг юк ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги тонна-километр ҳисобланади. Транспортнинг юк айланмаси ташилаётган юкнинг ҳар бир жўнатмаси оғирлигини уни ташиш масофасига кўпайтмасининг йиғиндиси орқали аниқланади.

Ташилган йўловчилар – маълум вақт давомида автомобиль воситаларида турли қатнов турлари бўйича ташилган йўловчилар сони (статистик кузатув бирлиги бўлиб йўловчи-қатнови ҳисобланади).

Йўловчи айланмаси – транспортнинг йўловчи ташиш бўйича иш ҳажми. Ўлчов бирлиги йўловчи-километр ҳисобланади. Ҳар бир ташиш бўйича йўловчилар сонини ташиш масофасига кўпайтмасини йиғиндиси орқали аниқланади. Қатнов турлари ва бошқа белгилар бўйича алоҳида ҳисобланади.

Ташиш масофаси – объектни жўнатиш нуқтасидан белгиланган нуқтагача ташиш (транспортда ташиш) масофаси (километрда ўлчанади).

Юкларни ташишнинг ўртача масофаси – ўртача бир тонна юк ташиладиган масофа. Бутун автотранспорт бўйича, алоҳида юклар ва қатнов турлари бўйича юк айланмасини (тонна-километрда) ташилган юклар ҳажмига (тоннада) бўлиш орқали аниқланади.

Йўловчиларни ташишнинг ўртача масофаси – ўртача бир йўловчи ташиладиган масофа. У бутун автотранспорт ва қатнов турлари бўйича йўловчи айланмасини (йўловчи-километрда) ташилган йўловчилар сонига бўлиш орқали аниқланади.

Умумий босиб ўтилган масофа (километр) – транспорт воситасининг гаражга (тўхташ жойига) қайтиши ва гараждан (тўхташ жойидан) чиқиб кетиши вақтидаги спидометр кўрсаткичлари ўртасидаги бир кунлик фарқни ифодалайди. Умумий босиб ўтилган масофа, ҳисобот даври мобайнида барча фойдаланилаётган автомобилларнинг ҳар кунлик босиб ўтган масофаларини йиғиндиси орқали аниқланади.

Шаҳардаги ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудудидан чиқмаган ҳолда амалга ошириладиган ташувлар.

Шаҳар атрофидаги ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километр бўлган масофагача амалга ошириладиган ташувлар.

Шаҳарлараро ташувлар – шаҳар ва шаҳарчалар ҳудуди чегарасидан ташқарига эллик километрдан кўпроқ бўлган масофага амалга ошириладиган ташувлар, шунингдек, масофанинг узунлигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан ортиқ вилоятлари ҳудудида амалга ошириладиган ташувлар.

Амалдаги нархларда **алоқа ва коммуникация хизматларини ишлаб чиқариш**, мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

Мобил алоқа билан таъминланган абонентлар сони – мобил алоқа тизимларига уланган абонент радиостанциялар сони.

Халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти – бир вақтнинг ўзида узатилган ёки қабул қилинган максимал ахборот миқдори бўйича аниқланади.